

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Ўқув-услугий бошқарма
томонидан рўйхатга олинди**

№ _____
«19» июн 2012 йил

**Тошкент молия институти
ректорининг**

2012 йил 20 июндаги
149 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган

«АУДИТ» КАФЕДРАСИ

**“АМАЛИЙ АУДИТ” ФАНИДАН ЯКУНИЙ
НАЗОРАТ ЎТКАЗИШ УЧУН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ- 2012

Магистратура мутахассисликлари бўйича барча гуруҳларда “Амалий аудит” фанидан якуний назорат ўтказиш учун ўқув-услубий қўлланма. /Ш.Азизов, И.Кузиев -Т.: ТМИ, 2012. 19 бет.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмага институтда тайёрланадиган барча бакалаврият йўналишларида «Аудит» кафедраси томонидан ўқитиладиган «Амалий аудит» фанидан якуний назоратни ўтказиш учун атамалар, саволлар ва масалаларни ўз ичига олган вариант тўпламлари киритилган. Тўпламга киритилган масалалар талабаларнинг назарий ва амалий билимларини баҳолашга ёрдам беради.

Тақризчилар:

и.ф.н., доц. Авлоқулов А.

и.ф.н., доц. Машарипов О.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма «Аудит» кафедра йиғилишининг 2012 йил 8 июндаги 19-сонли баённомаси билан муҳокамадан ўтган ва факультет Илмий Кенгаши муҳокамасига тавсия этилган.

Кафедра мудири

Ш.Файзиев

Мазкур ўқув-услубий қўлланма “Ҳисоб ва аудит” факультети Илмий Кенгаши йиғилишининг 2012 йил 13 июндаги 10-сонли баённомаси билан муҳокамадан ўтган ва институт Илмий-Услубий Кенгаши муҳокамасига тавсия этилган.

Факультет декани

Ж.Кудайбергенов

Мазкур ўқув-услубий қўлланма Тошкент молия институти Илмий-Услубий Кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия қилинган (2012 йил 18 июндаги 4-сонли баённома).

Кенгаш раиси

А.Каримов

КИРИШ

Ушбу ўқув-услубий қўлланмага институтда тайёрланадиган барча магистратура мутахассисликларида «Амалий аудит» фанидан якуний назорат ўтказишга мўлжалланган. Унда ҳар бир талаба учун алоҳида вариантда магистрантнинг семестр давомида ўзлаштирган билимларини баҳолашга зарур атамалар, саволлар ва масалалар келтирилган.

Магистрант билимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 август 1981-1-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом”да кўрсатилганидек амалга оширилади. Яъни, якуний назорат учун - 30 балл белгиланади ва ёзма иш шаклида ўтказилади.

“Амалий аудит” фани бўйича магистрантнинг балларда ифодаланган ўзлаштириши қуйидаги *мезонга* асосан аниқланади:

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
26-30	Аъло	Вариантда келтирилган аудит фаолияти билан боғлиқ масалалари (амаллари) бўйича хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юритиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлишини ёзма акс этира олса.
21-25	Яхши	Вариантда келтирилган аудит фаолияти билан боғлиқ масалалари (амаллари) бўйича мустақил мушоҳада юритиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш, тасаввурга эга бўлишини ёзма акс этира олса.
16-20	Қониқарли	Вариантда келтирилган аудит фаолияти билан боғлиқ масалалар (амаллар) моҳиятини тушунтириш, билиш, айтиб бериш тасаввурга эга бўлишини ёзма акс этира олса.
0-15	Қониқарсиз	Вариантда келтирилган аудит фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича аниқ тасаввурга эга эмаслик, билмаслигини кўрсатса.

Вариант №1

1. Атамаларга изоҳ беринг: давлат назорати, ташқи аудит, молиявий назорат тизими, идоравий назорат, жамоа назорати, мустақил назорат, молиявий ҳисобот, операцион ҳисобот.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Молиявий назорат тизимининг таркибий тузилиши ва унда ташқи аудитнинг аҳамияти, зарурияти нимадан иборат?

3. Масалани ечинг: «XXX» корхонаси қурилиш моллари сотиш билан шуғулланади. Қурилиш молларини сотиш нақд пулга ва пул ўтказиш йули билан амалга оширилади. 2011 йилда «XXX» корхонасининг сотишдан тушган соф тушуми 75 миллион сўмни, шу жумладан нақд пулга сотилган товарлар ҳажми 1250 минг сўмни ташкил этган. Нақд пулга сотилган товарлар назорати ва ҳисоби талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги сабабли аудитор зарур аудиторлик амалларини қўллаб, етарли далил тўплай олмади.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) ушбу ҳолатда аудитор қандай йўл тутиши керак.

Вариант №2

1. Атамаларга изоҳ беринг: Узоқ муддатли активлар таснифлари: асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли молиявий инвестициялар таърифи, узоқ муддатли активлар таснифлари бўйича ички назорат тизими, узоқ муддатли активлар таснифлари бўйича молиявий ҳисобот шакллари, уларни тавсифи, уларни тузиш бўйича тамойиллар.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Узоқ муддатли активлар мавжудлиги, сақланиши ва реаллигини текширишда қандай аудиторлик процедуралар қўлланилади?

3. Масалани ечинг: «XXX» қўшма корхонаси 2009 йилнинг октябрь ойида «Интер-аудит» аудиторлик фирмасига аналитик ҳисобни тиклаб бериш юзасидан мурожаат қилди. Шартнома асосида хизмат кўрсатилиб, пул тўланди. 2011 йилнинг март ойига келиб «XXX» қўшма корхонаси худди шу аудиторлик фирмасига 2010 йил учун йиллик ҳисоботни тасдиқлаб бериш юзасидан қайта мурожаат қилди.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Аудитор текширувни қандай тамойиллар асосида ташкил этиши лозим;

в) Ушбу ҳолатда аудитор қандай йўл тутиши керак.

Вариант №3

1. Атамаларга изоҳ беринг: Ишлаб чиқариш заҳиралари, инвентаризация ўтказиш, инвентаризация натижаларини аудитда қўллаш, аудитда танлаш, танлаш турлари ва усуллари.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Ишлаб чиқариш заҳиралари инвентаризацияси натижаларини расмийлаштириш тартиби.

3. Масалани ечинг: Ташкилот товар белгиси ишлаб чиқади. Реклама агентлигига товар белгиси ишлаб чиқиш юзасидан фирма харажатлари 100000 сўм шу жумладан ҚҚС-20000 сўм. Товар белгисини рўйхатга олиш харажатлари 18000 сўм. Ҳисоб регистрларида қуйидагига бухгалтерия ёзувлари қилинган.

Д-т 6010	К-т 5110	120000
Д-т 0830	К-т 6010	100000
Д-т 6410	К-т 6010	20000
Д-т 6990	К-т 5110	18000
Д-т 9429	К-т 6990	18000
Д-т 0410	К-т 0830	100000
Д-т 6010	К-т 5110	20000

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №4

1. Атамаларга изоҳ беринг: Интеграциялашган корхоналар, ишлаб чиқариш босқичи, ишлаб чиқариш харажатлари, харажатлар бўйича жавобгарлик марказлари, маҳсулот таннархи, калькуляция ҳисоби, тугалланмаган ишлаб чиқариш, бошқарув ҳисоби, ички назорат, давр харажатлари, назорат усуллари.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Ишлаб чиқариш босқичи бўйича назорат самарадорлигини баҳоланг.

3. Масалани ечинг: Июнь ойида №138 гувоҳномага асосан ташкилотнинг бошқа ташкилотга қарашли бўлган акциялари товар-фонд биржасида сотилди.

Гувоҳномада кўрсатилишича:

Акцияни сотиш қиймати - 8000

Аукционда хизматлар учун тўлов - 1600

Бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича акция қиймати - 1800

Ташкилот бухгалтерия ҳисобида қуйидагича бухгалтерия ёзувлари қилинган:

Д-т 5010 К-т 0610 6400

Д-т 0610 К-т 9320 4600

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан

фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №5

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Сотиш ва тушум босқичи, реализация жараёни, консигнация шартномалари, даромадлар босқичи, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Турли мулк шаклидаги корхоналарда сотиш, тушум ва даромад босқичлари аудитини ўтказиш тартиби, унинг хусусиятлари.

3. **Масалани ечинг:** Корхона қимматли қоғозлар сотиб олиш мақсадида уч ойга йиллик ставкаси 55% 300000 сўм кредит олди. Револиялаштириш ставкаси 60%.

Тўланиши шарт бўлган кредитдан фойдаланиш фоиз суммаси қуйидагича ҳисобланган.

$$300000 * 55\% / 12 * 3 = 41250$$

Қимматли қоғозлар 300000 сўмга сотиб олинган бухгалтерияда қуйидагича проводкалар берилган.

Д-т 5110 К-т 6810 300000 Олинган кредит суммасига

Д-т 0610 К-т 5110 300000 Киришга олинган акцияларга тўланган сумма

Д-т 9439 К-т 6810 41250 Кредит фоизи ҳисобланган

Д-т 6810 К-т 5110 41250 Кредит фоизи тўлаб берилган

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан юқоридаги муомалалар тўғри ҳисобга олинганлигини текширинг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №6

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Пул маблағлари, касса, банк муомалалари, пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши, аккредитив счётлар, инкасса топшириқномаси, авизо, форвард операциялари, пул муомаласини прогнозлаштириш.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Қимматбаҳо қоғозлар муомалалари бўйича ҳисоб-китобларни солиқ қонунчилигига амал қилинишини текшириш тартиби.

3. **Масалани ечинг:** Шакар ишлаб чиқариш заводидан темир йўл орқали улгуржи савдо ташкилотига 25 тонна шакар жўнатилган. Юк ортилган вагон

белгиланган станцияга 21.12.да келган ва юкларни туширишга берилган. Шакарни қабул қилиш пайтида 23.12 куни далолатнома расмийлаштирилиб, комиссия таркибига омбор мудир Низомов Т. ва Эгамов О., бухгалтер Қосимов Н.лар киритилган. Далолатномада кўрсатилишича мол етказиб берувчининг ҳужжатида мувофиқ 25000 кг шакар, ҳар бир килограмми 120 сўм дан умумий суммаси 3000000 сўмни ташкил қилади. Шакарни тортиб кўрилганда 150 кг шакар суммаси 18000 сўм кам келганлиги кўрсатилган. Қабул қилиш далолатномасига асосан 24850 кг шакар бухгалтерияда киримга олинган. Камомад суммаси 2010 «Ишлаб чиқариш харажатлари» счётига ҳисобдан чиқарилган. Далолатнома ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган. Шакарни ташиш пайтидаги табиий камайиши нормаси 0,15%.

Талаб қилинади:

- а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;
- б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга бухгалтерия праводкаларини беринг;
- в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №7

1. Атамаларга изоҳ беринг: Валюта муомалалари, валюта тушуми, валюталар бўйича курсдаги фарқлар, валюта муомалалари назорати, валюта таваккалчилигини баҳолаш.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Ишлаб чиқариш захиралари ҳисоб баҳосини шаклланишини тўғрилигини текшириш тартиби.

3. Масалани ечинг: Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор қуйидагиларни аниқлади:

Ҳисобот даври бошига материаллар қолдиғи 2000 минг сўм бўлиб, ҳисобот даврида асосий ишлаб чиқариш учун 1000 минг сўмлик, ёрдамчи ишлаб чиқаришга 200 минг сўмлик, транспорт воситаларининг ремонти учун 50 минг сўмлик, бошқарув эҳтиёжлари учун 10 минг сўмлик, ётоқхонани таъмирлаш учун 70 минг сўмлик материал сарфланган.

Ушбу муомалаларни акс эттириш учун бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар килинган:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»	1000 минг сўм
Д-т 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш»	200 минг сўм
Д-т 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари»	60 минг сўм
Д-т 9410 «Сотиш харажатлари»	70 минг сўм
Д-т 9420 «Маъмурий-бошқарув харажатлари»	180 минг сўм
К-т 1000 «Материаллар»	1330 минг сўм.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №8

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** экспорт операциялари, импорт операциялари, халқаро иқтисодий шартномалар иштирокчилари, ташқи савдо, экспорт ва импорт таваккалчилиги, экспорт муомалалари самарадорлиги, импорт товарларни солиққа тортиш.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Асосий ишлаб чиқариш тармоқларини аудиторлик текширувидан ўтказиш қандай амалга оширилади?

3. **Масалани ечинг:** Корхона мол етказиб берувчидан 270000 сўмлик (КҚС 45000 сўм) қурилиш материаллари сотиб олди. Шартномада 45% олдиндан тўлов назарда тутилган. Қолган сумма 2 ойга кечиктирилади. Тўлов муддати кечиккани учун кечиктирилган сумманинг 7% миқдорида ҳақ тўланади.

Д-т 4310 К-т 5110 21500

Д-т 1050 К-т 6010 225000

Д-т 4410 К-т 6010 45000

Д-т 6010 К-т 5110 148500

Д-т 9610 К-т 6920 10395

Д-т 6920 К-т 5110 10395

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри праводкалар берилганлигини текширинг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №9

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Божхона қиймати, божхона қиймати аудити, божхона қийматини аниқлаш усуллари, божхона тўлови ва божхона юк декларацияси, инвойс ва счёт-фактура.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Экспорт ва импорт муомалалари самарадорлигининг аудити қандай амалга оширилади?

3. **Масалани ечинг:** Ишлаб чиқариш корхонасини аудиторлик текширувидан ўтказиш вақтида қуйидагилар аниқланди:

1) Корхона ходимларига медицина хизмати кўрсатиш учун пул тўланган:

Д-т 2510 К-т 5110 3000 минг сўм.

2) Корхона ходимлари фарзандларининг дам олишлари учун лагерга путёвка олинган:

Д-т 9430 К-т 5110 1500 минг сўм.

3) Оборот маблағларини тўлдириш учун олинган қисқа муддатли кредит фоизи тўланган:

Д-т 6810 К-т 5110 74 минг сўм.

4) 8- март «Хотин-қизлар байрами» муносабати билан совға олинган

Д-т 9420 К-т 5010 270 минг сум.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри праводкалар берилганлигини текширинг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №10

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Операцион аудит, иқтисодий самарадорлик, иқтисодий самара, меҳнат унумдорлиги, операцион аудит турлари.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Экоаудит дастурини тузинг, унинг таркибини батафсил ифодаланг.

3. **Масалани ечинг:** 10 февралда савдо ташкилоти бош кассаси инвентаризация қилинди. Бош кассир аудиторлар комиссиясига нақд 125000 сўм борлигини эълон қилди. Касса ҳисоботи маълумоти бўйича шу кун бошига нақд пул қолдиғи 25600 сўм бўлган. 10 феврал куни №151 касса кирим ордери бўйича 1-кассага 30000 сўм пул тушган ва шу сумма кирим қилинган. Шунингдек 2-кассага тушган 27000 сўм № 152 касса кирим ордери бўйича кирим қилинган. 10 февралдаги №137 касса чиқим ордери бўйича банкка 44800 сўм топширилган.

Бош кассир қуйидаги шахсларга маошгача пул берганлигини тушунтириш хатида кўрсатиб ўтган:

Сотувчи Ҳамидова С.Г.га 55000 сўм.

Ишчи Ахмедова А.Ш.га 40000 сўм.

Кассир Абдуллаева Л.А. 35000 сўм

Кассир фикри бўйича бу суммалар иш ҳақи бериладиган кун юқоридаги шахслардан ушлаб қолинади.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Инвентаризация билан боғлиқ тадбирларни тушунтиринг;

в) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга бухгалтерия праводкаларини беринг;

г) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №11

1. Атамаларга изоҳ беринг: Назорат ва маслаҳатчи аудиторлик тизимлари, аудиторлик фаолиятига хос профессионал хизматлар, консултатив маслаҳатчи аудит.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Кредитлар бўйича фоизларни тўғри тўланишини текшириш.

3. Масалани ечинг: Корхонада ҳисобот йилида 10.08 куни 109-сонли буйруққа асосан ўзининг ходими Ахмедов Р.С. Фарғона шаҳрига ишлаб чиқариш жихозларини таъмирлаш бўйича малака оширишга сафар хизматида жўнатилди. Сафар хизмати учун 60000 сўм берилган.

Ахмедов Р.С. сафар хизматидан қайтиб келгандан сўнг аванс ҳисоботи топширган. Аванс ҳисоботи 26.08 куни 58000 сўмга тасдиқланган 2000 минг сўм кассага қайтариб топширилган. Аванс ҳисоботида меҳмонхона квитанцияси 17400 сўм бўлган. қолган хизмат харажатларига тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд.

Шунга мувофиқ бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қилинган:

Санаси	Муомалалар мазмуни	Ҳужжат	Счётлар корреспонденцияси		Сумма
			Дебет	Кредит	
10.08	Ахмедов Р.С.га сафар хизмати учун ҳисобдор сумма берилган	10 август 109-сонли буйруқ, 94-сонли касса чиқим ордери	6870	5010	60000
26.08	Фойдаланилмаган сафар хизмати суммаси кассага қайтарилган	ҳисоб-китоб расчёти, 185-сонли касса кирим ордери	5010	6870	2000
26.08	Ахмедов Р.С.нинг сафар хизмати харажатлари "Давр харажатларига ҳисобдан чиқарилди".	Аванс ҳисоботи	9420	6870	58000

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтерии томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №12

1. Атамаларга изоҳ беринг: Аудит масштабини белгилаш, аудиторлик текширувига қўйилган талаблар.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Даъволар бўйича ҳисоблашишларни текширишнинг қандай асосий хусусиятлар мавжуд?

3. Масалани ечинг: “А” ташкилот “В” корхонанинг устав капиталидаги улуши 25000 минг сўмни ташкил қилади. “А” ташкилотнинг улушини “С” корхона 32000 минг сўмга сотиб олди. “А” ташкилотда бу хўжалик муомалалари қуйидагича акс эттирилган.

Д-т 5110 К-т 8330 25000 минг сўм.

Д-т 5110 К-т 9590 7000 минг сўм.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №13

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Компьютер тизими муҳотида аудит, электрон таҳлил, компьютер тизими аудити аспекти.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Таъсис хужжатларига киритилган ўзгаришларни текшириш.

3. **Масалани ечинг:** “МАЛИКА” фирмаси аёллар кийимини тикиш билан шуғулланади. Бу фирма 2000-йилда ташкил топган. Фирма қуйидаги асосий воситаларга эга яъни бино, машина, тикув ускуналари ва бошқалар. Жорий йилга келиб фирма асосий воситаларни таъмирлашдан ўтказди. Бунда хўжалик усулидан фойдаланди. Шунда корхона бухгалтери томонидан қуйидагича ёзув қилинган.

Д-т. 8910 К-т 2310 1000000 сўм.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №14

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Аудиторлик хулосаси, аудиторлик ҳисоботи, қўшимча шарх берилмаган шартсиз аудиторлик хулосаси, қўшимча шарх берилган шартли аудиторлик хулосаси.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Маълумотларни электрон таҳлил таҳлил шароитида аудит ўтказиш хусусиятлари.

3. **Масалани ечинг: масала** Корхона 4 йил муддат ичида фойдаланиш кутиладиган ускунани 1 750000 сўмга сотиб олди. Ушбу ускунани тугатиш қиймати 175000 сўмга баҳоланган. Мазкур ускуна билан боғлиқ қуйидаги операциялар амалга оширилган;

1) Усқунани 2 йили ишлатиш давомида янги таркибий қисм учун 140000

сўм тўланди, унинг фойдаланиш натижасида ускунанинг унумдорлиги 10% ошиши кутилмоқда.

2) Учинчи йил давомида ускунани фойдали хизмат муддатини 4 йилдан 6 йилгача ошириш имконини яратувчи таъмирлаш учун 930000 сўм тўланди.

3) Тўртинчи йил давомида ускунани иш ҳолати ёмонлашмаслиги учун амалга оширилган таъмирлашга 250000 сўм сарфланди .

Аудиторлик текшируви жараёни натижасида ушбу операциялар бўйича қуйидаги бухгалтерия проводкалари берилган:

1) Д-т 0130 К-т 6010 1 750 000

2) Д-т 0130 К-т 6010 1 070 000

3) Д-т 2010 К-т 6010 250 000

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия проводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №15

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Стандарт ҳамкорликдаги аудиторлик хулосаси, фикр беришдан бош тортиш, махфийликка қўйилган талаблар, аудиторлик хулосасининг таркиби, аудиторлик ҳисоботининг таркиби.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобининг ҳолати ва юритиш тартибини текшириш.

3. **Масалани ечинг:** Корхона жисмоний шахедан хусусийлаштирилган квартирани сотиб олди ва уни номоддий актив сифатида 0490 «Номоддий активлар» счётига ўтказилди. Нотариал идорасига сотиш ва сотиб олиш шартномасини расмийлаштириш учун унинг хизматида 52100 сўм нақд пул тўланди.

Харидор билан ҳисоб-китоб муомалалари корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан харидорнинг омонат кассасидаги шахсий счётига 11000000 сўм ўтказиб берилди? Бу муомала учун омонат банкининг хизматида 78000 сўм тўлаб берди.

Нотариал идорасига ва омонат Банкнинг хизмати учун тўланган 130100 сўм чет ташкилотлар хизмати харажатларига ҳисобдан чиқарилган.

Бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ёзув қилинган:

Д-т 2010 К-т 5010 52100 сўм - нотариал идорасининг хизмати.

Д-т 0490 К-т 5110 11000000 сўм - сотиб олиш қийматида.

Д-т 2010 К-т 5110 78000 сўм - банк хизмати учун.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан

фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №16.

1. Атамаларга изоҳ беринг: Аудитни автоматлаштириш даражаси, параллел моделлаштириш усули, интеграллашган усул.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Сотилган маҳсулот таннархини тўғри акс эттирилишини текшириш тартиби.

3. Масалани ечинг: Компания бошқа компанияга тегишли облигацияларни 10000000 сўмга сотиб олди. Уларнинг номинал қиймати 8500000 сўм. Облигациялар буйича йиллик 20 % даромад ҳар 6 ойда тўлаб берилишига келишилган. Облигацияни сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ (10000000-8500000) 1500000 сўм. Муомала даври -5 йил.

Облигацияни сотиб олиш:

Д-т 0610 К-т 5110 10000000 сўм

Ярим йилдан сўнг облигациянинг йиллик ставкасининг ярми миқдориди даромад олинган (8500000*10%) 850000 сўм:

Д-т 4010 К-т 4610 850000 сўм;

Бир вақтнинг ўзида облигацияни сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ амартизацияланди (1500000*10%) 150000 сўм:

Д-т 9430 К-т 0610 150000 сўм.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №17

1. Атамаларга изоҳ беринг: Молиявий ҳисоботнинг элементлари, муҳимлик, аудиторлик таваккалчилиги.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Операцион даромадлар ва харажатларни шакллантиришни тўғрилигини текшириш тартиби.

3. Масалани ечинг: Аудитор профессионал хизматларини кўрсатиш чоғида:

Тўқимачилик корхонаси май ойида бўёқ сотиб олиш ва сарфлаш бўйича қуйидаги операциялар амалга оширганлигини аниқлади:

- 2-майда 1 кг учун 1200 сумдан 100 кг бўёқ олиди;

- 9-майда 1 кг учун 1170 сумдан 300 кг буёк олинди;
- 12-майда ишлаб чиқаришга 210 кг буёк сарфланди;
- 20-майда 140 кг буёк сарфланди;
- 25-майдан 1 кг учун 1230 сумдан 500 кг буёк олинди;
- Корхонада 1-май ҳолатига буёк захираси бўлмаган. Корхона материаллари ҳисобга олишнинг узликсиз ҳисоб тизимидан фодаланади.

Талаб қилинади:

- а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;
- б) Юқоридаги операцияларни бухгалтерияда акс эттиришга ёрдам беринг;
- в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №18

1. Атамаларга изоҳ беринг: Молиявий натижалар, соф фойда, умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқ ва йиғимлар, жамғарма ва истеъмол фондалари, солиққа тортиш базаси, иккиланган солиқ.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Валюта муомалалари аудитини ўтказиш тартиби.

3. Масалани ечинг: Корхона объект қурилиши учун олган материалларнинг қолгани 730000 сўмга сотди, жумладан ҚҚС 122000 сўм. Ушбу материалларнинг таннари 560000 сўмни ташкил қилади. Бу операцияларга қуйидаги бухгалтерия праводкалари берилган

Д-т 5110 К-т 6310 730000

Д-т 4010 К-т 9220 730000

Д-т 6310 К-т 4010 730000

Д-т 9220 К-т 1050 560000

Д-т 9220 К-т 6410 122000

Д-т 9220 К-т 9320 48000

Талаб қилинади:

- а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;
- б) Корхона бухгалтерии томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;
- в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №19

1. Атамаларга изоҳ беринг: Назорат жараёнлари, маслаҳатчилар иш сифатини назорат қилиш, ички аудит стандартлари.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Ўзбекистонда статистик танлов усуллари қўллаш муаммолари.

3. Масалани ечинг: Корхона материаллар қийматини ҳисоб баҳоси бўйича акс эттиради. Октябрь ойи бошидаги ҳолатга кўра қуйидагилар ҳисобда турган:
- омбордаги материал қолдиғи -600000;

- 1610 счѐтнинг кредитидаги сальдо 80000;
- Октябр ойида ҳисоб баҳоси бўйича 800000 сўмлик материаллар кирим қилинди.

Мол етказиб берувчиларни ҳисоб-китоб ҳужжатларига кўра материалларни таннархи 720000 (ҚҚС - 120000 сўм) ташкил қилади. Октябр ойида 1150000 сўмлик ҳисоб баҳоси бўйича материал асосий ишлаб чиқаришга сарфланди.

Д-т 1010 К-т 1510 800000

Д-т 4410 К-т 6010 120000

Д-т 1510 К-т 1610 200000

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №20

1. Атамаларга изоҳ беринг: Ташқи савдо, экспорт ва импорт таваккалчилиги, аудиторнинг ишчи ҳужжатлари, бажариладиган ишлар ҳажми.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Солиқ қонунчилигини бузганлиги учун тўланган жарималар, фоизлар ва бошқа зарарларни қоплашни аудити.

3. Масалани ечинг: Корхонага тегишли омбор инвентаризациядан ўтказилганда 125000 сўмлик камомад аниқланди. Ушбу омборга 2600000 сўмлик материал кирим қилинганлиги маълум бўлган, ишлаб чиқаришга 2100000 сўмлик материал сарфланган. Омборда 500000 сўмлик материал бўлиши керак эди. Шу пайтда бухгалтер қуйидагича проводка бериб камомадни ёпган.

Д-т 9430 К-т 1010 125000

Лекин, омбор мудирини Хасанов И. камомадни тан олган ва камомадни иш ҳақидан ушлаб қолинишига рози бўлган.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтерини томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №21

1. Атамаларга изоҳ беринг: Экологик аудит, экологик вазият аудити, эконоаудит усуллари, экосертификациялаш.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Бож қийматини аниқлаш аудити.

3. Масалани ечинг: “Адолат” компанияси ўз мижози “Бек” компаниясига товарлар учун 10 кун ичида тўловни амалга ошириш шарти тбилан 5% ли чегирмани таклиф этган. тўловнинг энг узоқ муддати 30 кун. шартномага мувофиқ харидор компанияга “Адолат” компанияси томонидан товарлар 1 июлда жўнатилган. тўловнинг дастлабки суммаси 10000 ташкил қилган. Бунда “Адолат” компанияси бош бухгалтери томонидан қуйидаги ёзувлар берилган:

Д-т 4010 К-т 9020 10000

Д-т 9120 К-т 2910 9000

Текширув натижаларига кўра харидор томонидан тўлов 9 июлда ўтказилган ва унга бухгалтер томонидан қуйидагича ўтказма берилган:

Д-т 5110 К-т 4010 10000

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;

в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №22

1. Атамаларга изоҳ беринг: Назорат муҳити, назорат амаллари, ички назорат тизимини баҳолаш.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Аудитни молиявий назоратнинг бошқа шаклларида фарқи.

3. Масалани ечинг: “Флауэр” компанияси шубхали қарзлардан зарарлар ва кредитга соф сотиш орасидаги фоиз нисбатига асосланиб, ўзининг қайтарилмайдиган ҳисобварақларини баҳолайди. 2004 йилда “Флауэр” компанияси 4450 минг миқдорда савдо қилган. Савдонинг 70% кредитга амалга оширилган. Олдинги тажриба кредитга сотишнинг 3% тўланмайдиганлиги кўрсатади. Бош бухгалтер томонидан товарлар сотилганди қуйидаги праводка берилган:

Д-т 4010 К-т 9010 4450000

Компаниянинг ундира олмайдиган қарзларини акс эттириш учун қуйидагича праводка берилган:

Д-т 4910 К-т 9430 133500

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;

- б) Корхона бухгалтери томонидан йўл қўйилган хатони аниқлаб юқоридаги муомалаларга тўғри бухгалтерия праводкаларини беринг;
в) Аудиторлик ҳисоботи учун маълумот тайёрланг.

Вариант №23

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Маҳсулот(иш ва хизмат)лар сотишдан олинган тушум, ҳужжатли текшириш, таҳлилий амаллар, кузатиш, сўровнома ўтказиш.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Экологик аудитни ўтказиш тартиби.

3. **Масалани ечинг:** «А» хусусий фирмаси сентябр 2010 йилдан бошлаб акциядорлик жамияти бўлиб қайта рўйхатдан ўтди. 2010 йилда жамиятнинг бажарилган ишлари хажми 25000000 сўмни, йиллик иш хаки фонди 2,5 млн сўмни ва жами бюджетга тўловлари 3 млн 200 минг сўмни ташкил этди.

Талаб қилинади:

а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиши лозим;

б) 2010 йил учун йиллик ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилиши шартми?

Вариант №24

1. **Атамаларга изоҳ беринг:** Маҳсулот таннархи, калькуляция ҳисоби, тугалланмаган ишлаб чиқариш, бошқарув ҳисоби, далилларни олиш манбалари, далилларни тўплаш кетма-кетлиги.

2. **Саволга ёзма равишда жавоб беринг:** Экспорт ва импорт муомалалари аудитида қўлланиладиган таҳлилий амаллар.

3. **Масалани ечинг:** Аудиторлик ташкилоти «А» ва «Б» фирмаларидан аудиторлик текширувини ўтказиб бериш юзасидан таклиф олди.

«А» фирмаси беш йилдан бери фаолият юритиб келаётган бўлиб, мажбурий аудиторлик текширувига тортилмайди. Солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган ҳужжатли текширув вақтида «А» фирмасига катта миқдорда жарима санкцияси қўйилган. Агарда фирма ушбу жаримани тўласа, унинг молиявий барқарорлиги йўқолади. Шу сабабли фирма аудиторлик ташкилотига Ушбу молиявий жаримани камайтириб бериш учун текширув ўтказиб бериш таклифи билан чиқди ва аудиторлик ташкилотига ушбу хизмат учун бир миллион сўм тўлашини маълум қилди.

«Б» фирмаси мажбурий аудиторлик текширувига тортилувчи ташкилот ҳисобланади. Фаолиятининг учинчи йилида фирма аудиторлик ташкилотини ўзгартириб, юқоридаги аудиторлик ташкилотига мурожаат қилди. «Б» фирмаси аудиторлик текшируви учун саккиз юз минг сўм тўлаб беришини маълум қилди.

Аудиторлик ташкилотида ходимлар сони чекланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида иккала таклифни қабул қила олмайди. Иккала таклифни қабул қилиши учун четдан ходимлар жалб қилиши керак бўлади.

Талаб қилинади:

- а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;
- б) Аудиторлик ташкилоти иккала таклифни қабул қила оладими?
- в) Агар битта бўлса қайси таклифни қабул қилиши керак?

Вариант №25

1. Атамаларга изоҳ беринг: Статистик танлаш, ностатистик танлаш, атрибутли танлаш, танлов режаси, репрезентативли танлаш, танлов микдоританлов натижаларини аудитда қўллаш.

2. Саволга ёзма равишда жавоб беринг: Валюта курсларидаги фарқ ҳисобини аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиби.

3. Масалани ечинг: Мажбурий аудиторлик текшируви вақтида, 2008 йил март ойида, асосий воситалар инвентаризацияси ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу март ойида ўтказилган инвентаризация натижаси билан 2008 йил 1 январ ҳолатига бўлган асосий воситалар мавжудлиги ҳақида хулоса бериб бўладими?

Талаб қилинади:

- а) Аудитор ушбу вазиятни баҳолаш учун қайси меъёрий хужжатлардан фойдаланиши лозим;
- б) Ушбу ҳолатда аудитор қандай аудит усулларида фойдаланиши лозим?

Магистратура мутахассисликлари барча гуруҳларида “Амалий аудит” фанидан якуний назорат ўтказиш учун ўқув-услубий қўлланма. /Ш.Азизов, И.Кузиев -Т.: ТМИ, 2012 19 бет.

Азизов Шерзод Ўктамович

Кузиев Ислон Неъматович

Мухаррир:

Босишга рухсат этилди:

Адади:

Шартли босма табағи:

Буюртма № _____

Тошкент Молия институти босмахонасида «РИСО» нусха кўпайтириш
қурилмасида чоп этилди.

700084, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60а-уй.

